

Рамазоннинг охири кунларида икки Муқаддас масжид зиёратчилар билан тўлди



14:00 / 30.04.2022 2083

Рамазон ойининг 27-куни арафасида Маккадаги Масжидул Ҳаром ва Мадинадаги Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидлари намозхонлар билан тўлди. Ҳар йили Лайлатул-Қадр кечасида Икки масжидга ташриф буюрувчилар сони айниқса, кўпайиб кетади.

Рамазон ойининг охирида имомлар муқаддас ойнинг биринчи кунидан бошланган Қуръон хатмини ниҳоясига етказар экан, масжидлар янада гавжумлашади.

Икки Муқаддас масжид Бош бошқармаси ўзининг Хизмат кўрсатиш агентлиги орқали зиёратчилар учун эшикларни очишдан тортиб, уларнинг ҳудудга киришини ташкил қилишгача бўлган барча қулайликларни яратган. Зиёратчиларга совутилган замзам суви ҳам берилади.

Минтақавий соғлиқни сақлаш бошқармаси матбуот котиби Ҳамад бин Файхоннинг Arab News'га айтишича, зиёратчиларга энг яхши хизмат кўрсатиш ва уларнинг қулайликларини таъминлаш учун 18 минг шифокор кечаю кундуз ишламоқда.

Manba: Azon.uz